

**Ikhtiyor B. ABDURAKHMONOV,**  
*Chief research fellow of  
Imam Maturidi International  
Scientific Research Center.  
A.Kadiri str. 11, 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.*  
*E-mail:* [abdurahmonov.90@mail.ru](mailto:abdurahmonov.90@mail.ru)

**DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/3/8**

## **АЛОУДДИН САМАРҚАНДИЙ “ШАРҲ АТ-ТА’ВИЛОТ” АСАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **DISTINCTIVE CHARACTERISTICS OF “SHARH AT-TA’WILAT” BY ALAUDDIN SAMARKANDI**

### **ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ АЛАУДДИНА САМАРКАНДИ “ШАРҲ АТ-ТАВИЛОТ”**

#### **КИРИШ**

Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ ат-Та’вилот” асари Қуръони карим тафсири ҳамда мотуридийлик таълимотини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Алломанинг ушбу шарҳни ёзишида Абул Муин Насафийнинг хизмати ниҳоятда катта бўлган. Чунки Алоуддин Самарқандий Мотуридийнинг “Та’вилот” асарини Насафий билан бирга мутолаа қилгани, лозим деб топган жойларга шарҳ ёзиги, илова қилиб боргани, кейинчалик ушбу шарҳларни алоҳида китоб ҳолига келтирганини таъкидлайди. У ўз асарида Мотуридийнинг сўзларини шарҳлаш билан бир қаторда, ўз фикрларини ҳам баён этган. Олим ўз тафсирида Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васаллам ҳадислари, сахобий ва тобеинлар сўзларини жамлаш билан бир қаторда ақидавий ва фиқхий масалаларни ечишда ҳанафийлик анъаналарига асосланган фикрларни ҳам келтиради.

“Шарҳ ат-Та’вилот” асарини ўқиган киши муаллифнинг калом илми бўйича ҳам юксак мақомга эришганини кўриши мумкин. Олим ақидавий масалаларга оид қарашларида Имом Мотуридий изидан борган. Шунингдек, у Қуръонни шарҳлаш услубида ҳам Имом Мотуридийдан таъсирланган. Юқорида айтилганидек, Имом

Мотуридий Қуръонни шарҳлашда ўзига хос йўл яратиб, асосан, оятларни шарҳлашда таҳлилий фикр юритишга асосланган.

#### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Алоуддин Самарқандий ўз тафсирининг кириш қисмида Имом Мотуридийнинг асарини юқори баҳолаб, унинг баъзи тушуниш қийин бўлган жойларини соддалаштириш мақсадида шарҳ ёзганини маълум қилган.

Алоуддин Самарқандий асар муқаддимасида уни Имом Мотуридийнинг “Та’вилот ал-Қуръон” асарига шарҳ эканини таъкидлаб ўтади (Алоуддин Самарқандий, Шарҳ ат-Та’вилот, Асьад Афанди қўлёзма, №48). Китобнинг баъзи нусхалари сўнггида асар номи “Шарҳ ат-Та’вилот” экани, бир қисмида эса, асарга бу номни шахсан Самарқандийнинг ўзи бергани кўрсатилиди (Самарқандий, Шарҳ ат-Та’вилот, Ҳамидия қўлёзма, р. 879). Шунингдек, Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида маълумотлар келтирилган биографик асарларда ҳам бу китоб “Шарҳ ат-Та’вилот” номи билан зикр қилинади (Ибн Адим, 2010:4347) (Брокелмен, 1977:297) (Карабулут, нашр йили кўрсатилмаган, р. 2555).

Бир қанча олимлар ўз асарларида Самарқандийнинг ушбу китобидан фойдаланар экан, уни “Шарҳ ат-Та’вилот” номи билан келтирганлар. Бунга Абул Баракот Насафийнинг (ваф. 710/1310) “Мадорик ат-Танзил”, Алоуддин Бухорийнинг (ваф. 730/1330) “Кашф ал-асрор шарҳ усул ал-Паздавий”, Шихобуддин Ҳофажийнинг (ваф. 1069/1659) “Тафсир ал-Байзовий”га ёзган ҳошияси, машҳур ҳанафий факиҳи Ибн Обидиннинг (ваф. 1252/1836) “Радд ал-мухтор ала дурр ал-мухтор” асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

“Шарҳ ат-Та’вилот” муқаддимасида китобнинг Алоуддин Самарқандий қаламига мансуб экани очиқ-ойдин таъкидланган. Чунки ҳамд ва санодан сўнг асар шундай бошланади:

“Имом Мотуридийнинг “Та’вилот” китоби илмий қимматга эга, фойдали бўлиб, унда ахли сунна вал жамоа тавҳид (ақида) илмида, Абу Ҳанифа ва унинг издошлари усулул фиқҳ, фуруъул фиқҳ илмида Қуръони каримга мувофиқ экани баён қилинган. Бироқ, бу китоб унинг “Китоб ат-тавҳид”, “Ал-Мақолот”, “Маохиз аш-шароиъ” ва бошқа асарлари каби ўзи тасниф этган китоблардан бўлмай, балки шогирдлари ундан (оғизма-оғиз) олганлар (ва ёзганлар). Шу сабабли, асар матни

**Аннотация.** Мовароуннахр фикъ мактабининг йирик алломаси, ақиод, тафсир, усул ал-фиках, фуруй ал-фиках ва калом илмлари соҳиби, ўз даврининг етук факиҳи ва муфассири Алоуддин Самарқандий (ваф. 539/1144–45) бир қатор қимматбахо асарлар ёзиб қолдирган. У нафақат ҳанафий мазҳабининг етук факиҳи, ақида олими, балки Қуръони карим тафсири бўйича етук муфассир ҳисобланади. Унинг Имом Мотуридий “Таъвилот ал-Қуръон” китобига ёзган “Шарҳ ат-Таъвилот” асари тафсир илмида мўътабар манబалардан бири ҳисобланади. Х аср илмий жамоатчилиги орасида кенг танилган Мотуридий ва унинг асарлари XI асрга келиб эътибордан бироз четда қолди.

Алоуддин Самарқандийнинг буюк хизматларидан бири ўндағы, XII асрга келиб, Самарқандий ва унинг сафдошлари Мотуридий номини қайта тиклади, дейилса хато бўлмайди. Абу Мансур Мотуридий ва Алоуддин Самарқандий асарларини чуқур ўрганини IX–XII асрларда Мовароуннахрдаги тафсир ва калом илми тарихининг ҳали тадқиқ қилинмаган жиҳозларини очиб берига хизмат қилади.

Мақолада Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ ат-Таъвилот” асарининг ўзига хос ҳусусиятлари ёритилган. Унда Алоуддин Самарқандий Насафий билан бирга Мотуридийнинг “Таъвилот” асарини бирга мутолаа қилгани, лозим деб топган жойларга шарҳ ёзиб, илова қилиб боргани, кейинчалик ушибу шарҳларни алоҳида китоб ҳолига келтиргани манбалар асосида баён қилинган. Шунингдек, мақолада Самарқандий томонидан оятларни шарҳлашида қўлланилган услублар таҳлил қилинган.

Асарда ўша даврда мавжуд оқимларга илмий раддиялар берилгани ҳамда ақидавий оятларга суннитлик ўйналишига мувофиқ шарҳлар берилгани мисоллар орқали очиб берилган.

**Калит сўзлар:** мотуридийлик, ҳанафийлик, ақида, калом, қўллёзма, услуб, ҳадис, саҳобий, тобиий, усулул фикъ, фуруйул фикъ.

**Abstract.** Alauddin Samarkandi (d. 539/1144–45), a prominent scholar of Mawarannahr school of jurisprudence, master of aqeedah, tafsir, usul al-fiqh, furu' al-fiqh and kalam sciences, great jurist and commentator of his time, wrote a number of valuable works. He was not only a jurist of the Hanafi school and a scholar of aqeedah, but also a great commentator on the interpretation of the Holy Qur'an. His work "Sharh at-Ta'wilat" written as a commentary on Imam Maturidi's "Ta'wilot al-Qur'an" is one of the most reliable sources in the science of tafsir. Maturidi and his works, which gained fame in the 10th century, were "forgotten" in the 11th century. By the 12th century, Samarkandi and his comrades "restored" Maturidi's legacy.

A deeper study of the works of Abu Mansur Maturidi and Alauddin Samarkandi reveals new aspects of the history of interpretation and the science of kalam in Mawarannahr in the 9th–12th centuries.

This article highlights the specific features of Alauddin Samarkandi's work "Sharh at-Ta'wilat". It is noted in the article that Alauddin Samarkandi himself read Maturidi's work "Ta'wilat" together with his master al-Nasafi. He added comments to the places he found necessary and later turned these comments into a separate book. Also, the article describes Samarkandi's methods of interpreting the verses.

It is revealed that, in the work, scientific refutations were given to the misguided sects of that time and the creedal verses were commented in accordance with the direction of Sunnism.

**Keywords:** Maturidiyya, Hanafiyya, Aqeedah, Kalam, Manuscript, Method, Hadith, Companion, Follower, Usul al-Fiqh, Furū' al-Fiqh.

**Аннотация.** Алайуддин Самарканди (ум. в 539/1144–45 гг.), крупный ученый мавераннахрской школы фикха, владевший науками ақида, тафсир, усул аль-фиках, фуру аль-фиках и калам, выдающийся факих и комментатор Корана своего времени, написавший значительное количество ценных трудов. Он был не только опытным правоведом ханафитской школы, знатоком ақиды, но и великим комментатором Священного Корана. Его труд “Шарҳ ат-Тавилат”, написанный на основе “Тавилат аль-Кур’ан” Имама Матуриди, является одним из самых достоверных источников в науке тафсир.

Одной из больших заслуг Алайуддина Самарканди является то, что он и его соратники в XII веке возродили имя Матуриди, который был известен в X веке, но спустя столетие был забыт. Более глубокое научное исследование трудов Абу Мансура Матуриди и Алайуддина Самарканди, раскрывает новые аспекты истории наук толкования Корана и богословия в Мавераннахре IX–XII вв.

В данной статье освещаются особенности произведения Алайуддина Самарканди “Шарҳ ат-Тавилат”. В ней на основании источников отмечается, что Алайуддин Самарканди читал вместе с Насафи труд Матуриди “Тавилат”, писал комментарии к нему и добавлял их в те места, которые считал нужными, а позже создал из этих комментариев отдельную книгу. Также в статье описываются методы Самарканди в комментировании аятов Корана.

В труде приведены критика в адрес разных течений той эпохи, а также, приведены комментарии к связанными богословским вопросам аятам в соответствии с суннитским вероубеждением, что показывает уникальность данного источника как один из ценных толкований Корана по ханафитскому мазхабу.

**Ключевые слова:** матуридизм, ақида, калам, рукопись, метод, ҳанафизм, ҳадис, сахабы, табий, усульул фикъ, фуруйул фикъ.

бирмунча енгил. Шу билан бирга, ушбу асарда сўз ва маънолар тушунилиши қийин ўринлар ҳам учрайди. Уни тушуниш ҳатто олимлар учун ҳам қийинчилик туғдирали. Бироқ, умрени ақида, фикъ асослари, калом илми ва луғат илмларини ўрганишга сарфлаганлар уни осонлик билан тушунадилар. Бизга ушбу китобни усул ва фуруъ илмлари бўйича замонасининг тенгсиз олими Абул Муин Насафиидан таълим олишга тўғри келди. У киши китобни шарҳлашга киришар экан, чигал жойларни тушунтириб, мутлақларини тафсир қилиб, китобга мос фойдаларни зиёда қилди. Шунда мен ушбу фойдалар қолиб кетишини истамадим. Аллоҳга истихора қилиб, Ундан тушунарли осон сўзлар билан шарҳ ёзишда тавфиқ сўраб дуо қилдим” (Алоуддин Самарқандий, ШИ қўлёзма. р. 1).

Мазкур муқаддимада айтилганидек, Самарқандий “Таъвилот ал-Қуръон”ни устози Абул Муин Насафий (ваф. 508/1114) ҳузурида ўқиган. Унинг ушбу сўзларидан устози Насафий “Таъвилот”га ёзган шарҳини оғзаки тарзда талабаларга таълим берган. У устозининг ушбу асарга қилган қўшимча ва изоҳларини тасниф қилиб, мубҳам бўлган қисмларини изоҳлаб, ўзи ҳам баъзи жойларига қўшимча маълумотлар киритиб, “Шарҳ ат-Таъвилот” номли китобини ёзди. Самарқандий бу асарини устозидан ҳар қанча ўқиган бўлса ҳам, ўзига нисбат берилишининг сабаби китобнинг тили, услуги ва тартибида қилинган асл ўзгаришлар ҳамда янги қўшилган иборалардир.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, бу маълумот Насафийнинг Куръонни тўлиқ шарҳламагани, балки тушуниш қийин ўринларга эътибор қаратганини кўрсатади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Насафийнинг Куръон тўлиқ шарҳланган алоҳида асари ҳақида маълумот мавжуд бўлмаса-да, “Табсират ал-адилла” китобида унинг кўплаб оятларга шарҳлари мавжуд. Бу Абул Муин Насафийнинг Куръон шарҳида бу даврдаги ўрнини белгилаб беради.

“Шарҳ ат-Таъвилот” асарининг барча қўлёзма нусхаларида китоб Алоуддин Самарқандийга нисбат берилган. Шунингдек, асар бир нусхада ҳам Алоуддинга, ҳам Мотуридийга биргаликда нисбат берилган бўлиб (Самарқандий, Шарҳ ат-Таъвилот, Ҳамидия қўлёзма. р. 879), бу орқали “Таъвилот ал-Қуръон” асари Мотуридийга, унинг шарҳи эса, Самарқандийга тегишли экани билдирилган.

Ибн Адим (ваф. 660/1262), немис шарқшуноси Броккелман ва Али Ризо Карабулут каби биографик

асар муаллифлари ҳам “Шарҳ ат-Таъвилот” асарини Алоуддин Самарқандийга нисбат беради (Ибн Адим, 2010:4347) (Броккелман, 1977:296) (Карабулут, нашр йили кўрсатилмаган. р. 2555) (Сезгин, 1991:41). Баъзилар томонидан китобни Алоуддин Усмандийга нисбат берилиши эса хато бўлиб, муаллифнинг исми борасида чалкашлик икки исмнинг ўхшашилиги боис юз берган.

“Шарҳ ат-Таъвилот”нинг асосий манбаси Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот”и бўлиб, у Абул Муин Насафийнинг талабаси Самарқандийга тафсир бўйича берган таълими асосида шаклланган.

Тадқиқот давомида маълум бўлишича, Самарқандий оятларни шарҳлашда, умумий олганда, Мотуридийнинг услубидан фойдаланган. Шу билан бирга, “Шарҳ”нинг кўзга кўринган баъзи жиҳатлари ҳам мавжуд.

“Шарҳ ат-Таъвилот” “Фотиха” сурасидан “Нас” сурасигача мусҳаф уйғун қолса тартибланган йирик тафсирлардан бири ҳисобланади. Алоуддин Самарқандий, асарининг бошланишида Куръони каримни раъй билан тафсир қилинганинг ҳукми ҳамда тафсир ва таъвил ўртасидаги фарқни тушунтириб, “Фотиха” сурасининг тафсиридан бошлаган.

Самарқандий Мотуридий амал қилган услубни куйидаги шаклда давом эттирган:

”وقوله تعالى“ [Ba қовлуху таъала] деб бошлади. Сўнг тафсир қилинган оятга доир турли қарашларни келтиради. Баъзан Мотуридий келтирган қарашларни шарҳлаб, баъзан танқид қилиб, энг охирида бир қарашни танлайди ва унга амал қиласи. Самарқандий, “Тухфатул фуқаҳо” асарини, Қудурийнинг лафзлари билан ўз лафзларини қўшиб ўзига хос услубда ёзганидек, “Шарҳ ат-Таъвилот”да ҳам худди шу услубни, яъни матн ва шарҳ бир жойда бир-бирига боғланган асар ёзди. Шу туфайли “Шарҳ ат-Таъвилот” бир матн ва шарҳ шаклида икки китоб эмас, балки ягона китоб ҳисобланади.

## МУҲОКАМА

Самарқандий бир оятни тафсир қиласи, одатда Қуръонни Куръон билан тафсир қилиш усулига амал қиласи. Чунки бир оятнинг тафсирида унинг мазмунига яқин бўлган барча оятларни зикр қиласи, оят билан боғлиқ жиҳатларини айтади ва бир хуносага боради. Лекин Самарқандий булар билан кифояланмасдан Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадислар,

саҳоба ва тобеинларнинг сўзларига ҳам мурожаат қиласди. Бунга амал қиласар экан, одатда ҳадисни лафзи билан эмас, балки маъноси билан ривоят йўлини танлагани ва бир оятни тафсир қилишда фойдаланган ривоятларни саҳиҳлик даражасига қараб бир-биридан ажратмагани танқид қилинган. Бирок Самарқандий сабаби нузул ривоятлари билан кўшганда, тафсирда ривоятларга кам ўрин ажратган. Ривоятлар кам келтирилишининг сабаби эса, бу тафсирнинг раъи услубидаги тафсир эканида намоён бўлади. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари ҳар қанчалик кўп қиррали тафсир бўлса ҳам, хусусан, Мотуридий таълимотининг каломга доир қарашлари ва далилларини зикр қилишга аҳамият беради. Самарқандий бу асарида мўътазилийлик ва бошқа мазҳабларнинг қарашларига қаратилган раддияларга ҳам ўрин ажратган.

Самарқандий асарини Мотуридийнинг тафсиридан ажратиб турувчи хусусиятлар ҳам мавжуд. Жумладан, Самарқандий Мотуридийнинг Ашаърий каби ақидавий мазҳабнинг зикр қилмаган қарашларини нақл қиласди. Шунингдек, Самарқандий Мотуридийнинг замонамизгача етиб келган атама сифатида ишлатмаган “аҳли сунна вал жамоа” каби баъзи каломий тушунчаларни ҳам ишлатганини кўриш мумкин. Чунки “аҳли сунна вал жамоа” атамаси ишлатилиши Мотуридий яшаган асрдан кейин кенг тарқала бошлаган.

“Шарҳ ат-Таъвилот” бошқа кўп илмларни қамраб олади. Мисол сифатида лугат илми, нахв, сарф, эъроб, балоғат, баён, бадиъ ва шеър каби илмларни кўрсатиш мумкин. Буларнинг барчасига кўшимча сифатида амал билан оятларнинг маъноси ўзгарган қироат фарқларига ва усул билан фуруъга доир масалаларга ҳам мурожаат қиласди.

Мазкур асарнинг муҳимлиги шундаки, “Таъвилот” асарининг қўлёзма нусхаларида тушуниш қийин бўлган сўзларни тўғри ўқиш учун ҳам асос манба бўлиб хизмат қиласди. Ҳатто “Таъвилот”нинг нусхаларида хато кўчирилган иборалар унинг “Шарҳ”и орқали тушунилади (Имом Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон. Ж.16. 2007).

Мисол учун, Зумар сураси 50-ояти тафсирида “Таъвилот”нинг бирор нусхасида учрамаган жумлалар “Шарҳ”нинг “Валийиддин” нусхасида учрайди ва шунда маъно тўлиқ бўлади (Самарқандий, Шарҳ ат-Таъвилот, Валийиддин қўлёзма, р. 661а). Унда шундай дейилган:

«Бу жумла икки маънони эҳтимол қиласди. Биринчиси, уларнинг “Бизга бу Аллоҳнинг хузури-

даги бизнинг хурмат ва фазилатимиз туфайли берилди” деган гаплари. Иккинчиси, “бу нарса биздаги амал ва касблар туфайли берилди” деган гаплари. Аллоҳ таоло уларнинг бу гаплари уларга азоб тушган пайтда Аллоҳнинг азобини қайтариш учун аскотмаганини хабар берди».

Мазкур иқтибосдаги «Уларнинг “Бизга бу Аллоҳнинг хузуридаги бизнинг ҳурмат ва фазилатимиз туфайли берилди деган гаплари”. Иккинчиси», деган жойгача асл матнларда учрамайди. Уни “Шарҳ” орқали тўғри тушуниш мумкин.

Шунингдек, мазкур суранинг 61-оятида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади.

“Аллоҳ тақво қилганларга ютуқлари туфайли нажот берур. Уларга ёмонлик етмас ва улар хафа ҳам бўлмас”. Оятдаги “ютуқлари туфайли” жумласи икки маънода бўлади. Биринчиси: “ютуқлари туфайли”, яъни ўз тенгқурларига нисбатан ўзиб кетишига сабаб бўлган амал ва сабаблар туфайли. Иккинчиси, “ютуқлари туфайли”, яъни ҳалокатларнинг устидан голиб бўлганлар. Барча “Таъвилот” нусхаларида иккинчи маъно айтилмаган, унинг шарҳида эса бу кўрсатилган (Самарқандий, Шарҳ ат-Таъвилот, Валийиддин қўлёзма, р. 662а).

Шу ўринда “Шарҳ ат-Таъвилот” асари нусхалари ўртасида фарқ борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, Сулаймония кутубхонаси, Ҳамидия бўлими, 176 рақамли қўлёзма нусхаси ҳақида “Таъвилот ал-Қуръон” таҳқиқига масъул бўлган Бақр Топалўғли мазкур нусха Каҳф сурасидан кейин “Таъвилоту-л Қуръон” матнининг фақат ўзи бўлиб, шарҳ ёки таълиқ мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Топалўғлининг бу мулоҳазаларига қўшилиши мумкин. Шунингдек, Туркиянинг “Жоруллоҳ” кутубхонасидаги нусхада Мужодала сурасининг 1-ояти таъвилида, “Боязид” кутубхонаси “Валийиддин” бўлимида сақланаётган 426 рақамли нусхада сақланаётган нусхада қуйидаги ибора зиёда қилинган:

“Ислом дини келгач, Аллоҳ таоло зихорга унинг ўз хукмини, ийлога унинг ўз хукмини белгилаб берди”. Зухрий: “Жоҳилият аҳлининг талоги зиҳор эди”, деган” (Самарқандий, Шарҳ ат-Таъвилот, Валийиддин қўлёзма, р. 2016).

Айнан ушбу зиёдалик Сулаймония кутубхонаси “Ҳамидия” бўлимида сақланаётган 176 рақамли қўлёзма ҳамда “Жоруллоҳ” кутубхонаси 51 рақамли қўлёзма нусхаларида учрамайди.

“Шарҳ ат-Таъвилот” билан “Таъвилот” солиширилганида “Шарҳ ат-Таъвилот” сўзларининг осон

ва тушунарли экани кўринади. Шорих кўпинча, Мотуридийнинг мураккаб жумлаларига ойдинлик киритади.

Жумладан, Зумар сурасининг 63-ояти таъвилида “Таъвилот”нинг нусхаларида мавхум бўлган ўринга “Шарҳ”да ойдинлик киритилган. Унда «**Ким дунёдан охират учун сафарлик олса ва уни охиратга етарлик қилса, “фойда кўрувчи” деб номланади, ким дунёда сафарлик ва етарлик нарса олмаса, зарар кўрувчи деб номланади**» дейилган (Самарқандий, Шарҳ ат-Таъвилот. Ҳамидия қўлёзма. р. 662б). Таъвилот нусхаларида эса: “фойда кўрувчи” деб номланади, “**ким дунёда сафарлик ва етарлик нарса олмаса**” деган қисми учрамайди.

Самарқандий “Шарҳ ат-Таъвилот” муқаддимасида ҳам “Таъвилот”нинг баъзи ибораларининг қийин эканини, уларни тушуниш учун эса усул ат-тавҳид, усулу фиқҳ ва луғат илмларини яхши билиш кераклигини таъкидлаб ўтади. Ушбу сабабларга кўра Самарқандий бу асарни ҳар ким тушуниши учун, тили осон, кераксиз жойларда сўзларни сарфламасдан қисқа ва муҳтасар бир шарҳ ёзган (Алоуддин Самарқандий, Шарҳ ат-Таъвилот. Асьад Афанди қўлёзма. р. 2а).

Аллома Алоуддин Самарқандий “Шарҳ ат-Таъвилот”да ўзи учун белгилаб олган қоида ва тамойилларига амал қилган. Масалан, Мотуридий баъзида масалани зикр қилмасдан ечимини бериб кетади ёки бир саволни зикр қилмасдан жавобини қисқача айтиб ўтади. Самарқандий эса, бундай жойларда зикр қилинмаган масалага ойдинлик киритиб, қисқача жавоб берилган матнларни тушунарли услубда изоҳлаган.

Шундай қилиб, Самарқандий асарни шарҳ қилас экан, “Таъвилот”нинг матнига қатъий шаклда боғлиқ бўлиб қолмаган, жойи келганда наклларда ўзгаришлар киритган ва баъзан ўзининг шарҳи билан матнни бир-бирига жамлаган. Самарқандий бу услугга асарнинг барча қисмида амал қилишга ҳаракат қилган.

Аллома Самарқандий бир нақлни бошлар экан, “قال” (айтади) деб бошлаган, ушбу нақлни тугаган ўринни белгиламаган ва матн орасидаги акс этган ўз шарҳларини ҳам изоҳламаган. Шунингдек, кўпгина қарашларни “قال بعضهم” “قيل” ёки “قَالَ بَعْضُهُمْ” шаклида ифода этади, аммо бу қарашларнинг кимларга оид эканини айтиб ўтмаган. Аслида танқид қилинган жиҳатларнинг барчаси Мотуридийнинг “Таъвилот”и учун ҳам айтилган.

Шунингдек, у Қуръонни шарҳлашда аввал суранинг Макка ёки Мадинада нозил бўлганини

келтириш билан бир қаторда, агар оятнинг бир қисми Маккада, бошқа қисми эса Мадинада нозил бўлган бўлса, ажратиб кўрсатиб ўтади. Масалан, “Бақара” сураси Мадинада нозил бўлган. Фақат (“... وَاتَّقُوا يَوْمًا ...” 281-оят) арафа куни Минода (Маккада) нозил бўлган (Алоуддин Самарқандий, ШИ қўлёзма, р. 15а).

Шундан кейин эса, оятларнинг сонини зикр этади. Мисол учун, Бакара сураси шарҳида: “Бақара сураси оятлари 286 та” (Алоуддин Самарқандий, ШИ қўлёзма. р. 15а) дейди. Шунингдек, у ўзидан одинги муфассирларнинг сўзлари ҳамда уларнинг турли фикрларини келтиради. Шуни айтиш жоизки, Алоуддин Самарқандий Имом Мотуридийнинг тафсири матнини тўлиқ келтириб, сўнг шарҳ бермай, балки унинг тафсиридан кенг фойдаланиб, оятларга берган кўплаб изоҳларини келтиради.

Тафсирга дикқат билан назар солинса, Алоуддин Самарқандий Имом Мотуридийнинг тафсирини шарҳлашда, асосан, уч хил йўналишга асосланади. Биринчиси, Имом Мотуридийнинг фикрларини янада қувватлантиришга ҳаракат қилиши, бунда Алоуддин Самарқандий Мотуридийнинг чуқур таҳлилларини янада кенгроқ изоҳлайди. Иккинчиси, Имом Мотуридий тафсирида умумий маъно берилган ҳамда қисқача сўз юритиш билан чекланилган ўринларга ҳам аҳамият қаратиб, уларни ўз таҳлилий фикрлари билан бойитади.

Масалан, “**فَلَا جَعَلُوا اللَّهَ أَنْدَادًا**” “**Аллоҳга биронни тенг қилманглар**” (2:22) ояти шарҳида Мотуридий (бирлиги ۲) сўзини шарҳлаб, “яъни, унга тенг қилиш, ибодатда шаклларни илоҳ қилиб олиш, буларнинг маъноси бир хилдир”, дейди (Имом Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон. Ж.1. 2005:401).

Алоуддин Самарқандий бу маънони бергач, яна шундай шарҳ беради:

“**لَهُ**” сўзи баъзан унга бирор шаклни баробар қилиш маъносида келса, баъзан нарсанинг зидди маъносида ҳам келади. Бу икки хил маънони бериши мумкин. Биринчиси, Аллоҳдан бошқани “илоҳ” деб номламаслик ва шакл қилиб олмаслик. Иккинчиси, ибодат қилинишда ҳақли деб, бошқа нарсани унинг шакли демаслик (Алоуддин Самарқандий, қўлёзма, р. 40а). Учинчиси, баъзан оят шарҳи бўйича Алоуддин Самарқандийнинг Имом Мотуридий фикрларига тўлиқ қўшилмаслиги ва уларни аниқлаштириши. Масалан, “**وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ مَعًا أَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ**” “**Сизга нозил**

**қилинган нарсаларга имон келтирадиган зотлар**” (2:4) оятида Имом Мотуридийнинг “Икки хил маънони бериши мумкин. Биринчиси, Қуръондан нозил қилингандар, иккинчиси, Қуръони каримда келмаган шариат қоидалари ва хукмлар” (Имом Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон. Ж.1. 2005:374) деб айтган шарҳини келтиради.

Сўнг бу фикрларни яна ҳам аниқлаштириб, шундай дейди: “Оятнинг маъноси, Аллоҳнинг бу оятдаги муроди Қуръон ва суннада нозил қилинган барча вахийдир, чунки буларнинг ҳаммаси Аллоҳ томонидан нозил қилинган вахийдир. Муҳаммад (с.а.в.)га нозил қилинган вахий икки хил бўлган:

Биринчиси, тиловат қилинган.

Иккинчиси, тиловат қилинмаган (яъни, маъноси нозил қилинган). Буларнинг ҳаммаси Жаброил алайхиссалом, фаришталар олиб келган ёки қалбига илҳомлантирилган ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръон каримда:

“(Муҳаммад) ҳавойи нафсидан гапирмайди, у вахийдир” (53:3), деган (Алоуддин Самарқандий, ШИ қўлёзма, р. 21а).

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Алоуддин Самарқандийнинг тафсири бошқа тафсирлардан қўйидаги жиҳатларга кўра фарқланади:

- Қуръонни ояtlар ва оят борасида келган ривоятларни таҳлилий шарҳлашга ҳаракат қиласди;

- ҳадислар, саҳобий ва тобеинлар ривоятларидан жуда кам ҳолларда келтиради;

- Алоуддин Самарқандий тафсирида қироатларни, луғавий манбаларни зикр этмайди.

## НАТИЖА

Шундай қилиб, Алоуддин Самарқандий ўз давридаги Қуръон шарҳи ва қалом илми борасида вужудга келган муаммоларни Имом Мотуридий услуби асосида ҳал этишга ҳаракат қилиб, унинг тафсирини янги шарҳлар билан бойитган ва шу йўл билан ҳанафий мазҳабини ҳимоялашга ҳаракат қиласди.

Маълумки, Мотуридий ва унинг мактаби намояндлари ақидавий масалаларни ечишда ўз даврининг янгича услубини киритганлар ҳамда Мовароуннахрда қалом илми ривожига муҳим ҳисса қўшганлар (Голдциер, 1912:72–152) (Рудольф, 2001) (Рудольф, 1999) (Хуснидинов, 2000). Имом Мотуридий яшаган даврга қадар ақида ва қалом масалаларига анъанавий руҳда ёндашилган, эътиқод масалаларига кенг шарҳлар берилмаган. Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ-

нинг “ал-Фикҳ ал-ақбар” асари ушбу соҳа бўйича олимлар асосланадиган асар бўлиб келган. Чунки унда ақидавий масалалар суннийлик асосида талқин этилган, бу эса ўз навбатида Мовароуннахр олимларининг IX асрдаги ақидавий масалаларга чуқур киришмаганларини кўрсатади.

Имом Мотуридий ва Алоуддин Самарқандий тафсирларида ўша даврдаги мавжуд адашган оқимларга илмий раддиялар берилган, ақидавий масалаларга доир ояtlарга эса, суннийлик йўналишига мос тарзда ечимлар келтирилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам, Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот” асари ва Алоуддин Самарқандий шарҳи тафсируносликнинг ҳанафийлик йўналиши бўйича нодир манбалардан ҳисобланади.

Маълумки, бир китобнинг аҳамияти бошқа китобларга манба бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади. Кўплаб муаллифлар “Шарҳ ат-Таъвилот” асаридан манба сифатида фойдаланганлар. Жумладан, Абул Баракот Насафийнинг (ваф. 710/1310) “Мадорик ат-Танзил” (Абул Баракот Насафий, 1998), Алоуддин Бухорийнинг (ваф. 730/1330), “Кашфул-асрор шарҳ усул ал-Паздавий”, Ҳусомуддин Сифноқийнинг (ваф. 710/1310) “ал-Кофи шарҳ усулул Паздавий”, Бадриддин Айнийнинг (ваф. 855/1451) “ал-Биноя шарҳ ал-Ҳидоя”, Шиҳобиддин ал-Ҳафожининг (ваф. 1069/1658) “Тафсир ал-Байзовий”га битган ҳошияси (Шиҳобиддин Ҳафожий, Нашр йили кўрсатилмаган), машҳур ҳанафий факихи Ибн Обидиннинг (ваф. 1252/1836) “Радд ал-мухтор ала дурр ал-мухтар” ва бошқа кўплаб асарларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Шарҳ ат-Таъвилот” асарида асосий матн ҳисобланмиш “Таъвилот” матни ҳамда шарҳ ажратилмаган бўлиб, асарни мутолаа қилганда, унинг матн ёки шарҳ эканини ажратиш мушкул. Шу сабабли айрим олимлар ўз асарларида нақлларни “Шарҳ ат-Таъвилот” асарига нисбат берадилар, Бироқ аслида бу маълумот “Таъвилот” асарида келтирилган бўлади. Жумладан, Абул Баракот Насафий ўзининг “Ал-Эътиқод фил-Эътиқод” асарининг “Яхшиликлар ёмонликларни ўчиради” номли фаслида (Насафий, 2012) далил ўлароқ: “Аллоҳ таоло бу оятни улар ҳар қачон ҳам Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи вассаллам олдиларида сергак, эҳтиёт ва ҳар вақт у зотни эъзозлайдиган бўлишлари учун зикр қилди. Чунки улардан хеч бир вақтда унтиш ва гафлат узра у зот алайхиссаломни енгил-паст санаш ҳолати юзага

чикиб, амалларини ҳабата қилиб юбормасин. Чунки Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламга нисбатан бундай иш қилиш натижасида инсон коғир бўлиб, узрли ҳисобланмайди, гарчи қилган иши унтиш ва ғафлатга кўра бўлса ҳам. Сабаби шуки инсонда (бу ишни қилишдан) сақланиш ва эҳтиёт бўлиш қудрати бор. Гарчи, улар ўзаро атайн ва қасдан қилмаган ишларида узрли бўлсалар ҳам”, деган жумлани келтиради. Лекин ушбу маълумот “Таъвилот”да келтирилган бўлиб, унинг “Шарҳ”ида ўзгартирilmаган ҳолда зикр қилинган (Имом Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон. Ж.9. 2005).

Баъзи манбаларда «Абу Мансур Мотурийнинг “Шарҳ ат-Таъвилот” асарида...» (Баёзий, 2007:283) каби жумлалар учрайди. Аллома Баёзий “Калом сифати баёни”да ёки ҳижоб ортидан (сўзлайди) ояти тафсирида “Шарҳ ат-Таъвилот” асаридан далил келтириб, шундай дейди: “Мисол учун, Мусо алайҳиссаломга сўзлагани каби. Аллоҳ таоло унинг қулоғига Ўзи хоҳлаганидек яратилган овозни ташлайди” (Баёзий, 2007:152).

Абул Баракот Насафийнинг “Мадорик ат-Танзил” асарида ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Аслида Мотурийнинг “Таъвилот”идаги сўзлар (Имом Мотуридий, 2005:275) унинг шарҳига нисбат берилган (Абул Баракот Насафий, 1998).

Алоуддин Самарқандий “Бақара” сураси 43-ояти “Намозни тўқис адо қилинг, закот беринг ва руку қилувчилар билан руку қилинг” тафсирида жамоат билан намоз ўқиш вожиб эканини таъкидлаган (Алоуддин Самарқандий, ШИ қўлёзма, б. 73). Имом Мотуридий ҳам “Таъвилот” да ушбу оятда жамоат намозида иштирок этишга амр қилинаётганини айтади (Имом Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон. Ж.1. 2005:4).

Алоуддин Самарқандий худди шу фикрга ўхшашиб маълумотни “Тухфатул фуқаҳо”да ҳам келтирган. Жумладан, у бомдод намозининг икки ракат суннатини ўқиган инсон агар фарзга улгурмаса, суннатни ўқимаслигини, чунки намозни жамоат билан ўқиш суннати муаккада ёки вожиб маъносида эканини таъкидлаган (Самарқандий, Тухфатул фуқаҳо. Ж.1. 1994:198).

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Алоуддин Самарқандийнинг буюк хизматларидан бири шундаки, X асрда шуҳрат топган Мотуридий ва унинг асарлари, XI асрга келиб “унутилгандай” бўлди. XII асрга келиб, Самарқандий ва

унинг сафдошлари Мотуридий номини қайта “тиклади”, дейилса хато бўлмайди. Хуллас, ушбу асарда мотуридийлик таълимотининг учта етук намоёндалари “маҳсул”и жам бўлган, яъни Имом Мотуридийнинг таълифи, Абул Муин Насафий дарс асносидаги шарҳи ҳамда Алоуддин Самарқандийнинг кўшимча изоҳлари.

Абу Мансур Мотуридий ва Алоуддин Самарқандий асарларини чуқурроқ тадқиқ қилиш, илмий ўрганиб чиқиш, IX–XII асрларда Мовароуннаҳрдаги тафсир ва калом илми тарихининг янги-янги қирраларини очиб беради. Алоуддин Самарқандийнинг “Шарҳ ат-Таъвилот” асари юртимида тафсир илми тараққиёт босқичларининг намунаси бўлиб, X–XII асрларда ва ундан кейинги даврдаги тафсир илми хусусиятларини тадқиқ этишда ҳамда бу борада янги маълумотларни тақдим этишда катта хисса кўшиши шубҳасизdir.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ибнул Адим. (2010). *Буяғ ат-талағ*. Ж.10. Байрут: Дор ал-Фикр.
2. Баёзий. (2007). *Ишорот ал-маром*. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
3. Броккелман. (1977). *Тарих ал-адаб ал-арабий*. Ж.6. Қоҳира: Дор ал-маъориф.
4. Голдциер. (1912). *Лекции об исламе*. Лейпциг.
5. Карабулут. (нашр ийли кўрсатилмаган). *Муъжам ат-тарих ат-турасий*. Ж.4. Қайсарий: Дор ал-ақаба.
6. Имом Мотуридий. (2005). *Таъвилот ал-Қуръон*. Ж.1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
7. Имом Мотуридий. (2005). *Таъвилот ал-Қуръон*. Ж.9. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
8. Имом Мотуридий. (2007). *Таъвилот ал-Қуръон*. Ж.16. Истанбул: Дор ал-мизон.
9. Абул Баракот Насафий. (1998). *Мадорик ат-Танзил*. Ж.1, 3. Байрут: Дор ал-калим ат-тойиб.
10. Абул Баракот Насафий. (2012). *Ал-Иътимод филътиқод*. Қоҳира: ал-Мактаба ал-азхария лит-туроҳ.
11. Рудольф. (1999). *ал-Мотуриди и суннитская теология в Самарканде*. Алматы.
12. Рудольф. (2001). *Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти*. Тошкент.
13. Алоуддин Самарқандий. (1994). *Тухфатул фуқаҳо*. Ж.1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
14. Алоуддин Самарқандий. (Асьад Афанди қўлёзма). *Шарҳ ат-Таъвилот*. Истанбул: Асьад Афанди, №48.
15. Алоуддин Самарқандий. (Валийиддин қўлёзма). *Шарҳ ат-таъвилот*. Истанбул: Боязид: Валийиддин. №426.

16. Алоуддин Самарқандий. (Ҳамидия қўлёзма). *Шарҳ ат-Таъвилот*. Истанбул: Сулаймония, Ҳамидия: №176.
17. Алоуддин Самарқандий. (Ҳарами Маккий қўлёзма). *Шарҳ ат-Таъвилот*. Макка: Ҳарами Маккий, №:530.
18. Алоуддин Самарқандий. (Жоруллоҳ қўлёзма). *Шарҳ ат-Таъвилот*. Истанбул: Миллат Генел, Жоруллоҳ, №530.
19. Алоуддин Самарқандий. (ШИ қўлёзма). *Шарҳ ат-Таъвилот*. Тошкент: ЎзР ФА ШИ. №3249.
20. Сезгин. (1991). *Тарих ат-тұрас ал-араби*. Ж.4. Ар-Риәд: Идора ас-сақофа ван-нашр.
21. Шиҳобиддин Ҳафожий. (Нашр йили қўрсатилмаган). *Ҳошия алал Байзовий*. Ж.1. Байрут: Дор Содир.
22. Ҳуснидинов. (2000). *Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар*. Тошкент: Мовароуннахр.

